

В статье сделана попытка систематизации прикладных аспектов феномена толерантности. Автор проводит аналитико-структурированный анализ различает практическое приложение толерантности в социуме как инструмент оценки: нормативный, измерительный, прогностический и регуляции: профилактика, предупреждение, снижение риска нежелательных явлений психосоциальных процессов.

SUMMARY

The article is an attempt to systematize the applied aspects of the tolerance phenomenon. The author conducts analytically the structured analysis, distinguishes the practical application of tolerance in the society as an assessment tool: normative, measuring, prognostic and the regulations: prevention, a warning, risk reduction of adverse events of psychosocial processes.

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Г.Абдукадирова - катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: педтехнология, чет тили, тил кўникмалари, гуруҳ аъзолари, муаммо, ечим, масала, муҳокама, маълумот, ёзма топшириқ, таҳлил қилиш.

Ключевые слова: педтехнология, иностранный язык, языковые навыки, члены группы, проблема, решение, задача, обсуждение, письменное задание, информация, анализировать.

Key words: pedagogical technologies, foreign language, language skills, group members, problem, solution, task, discussion, written task, information, to analyze.

Чет тилини ўрганиш учун бугунга қадар турли хил ёндашувлар, услублар, стратегиялар ва усуллар тadbик этилган бўлиб, уларнинг замонавий педтехнологиялар такомиллашувида салмоқли ўрни бор. Ҳар бир ёндашув замирида аниқ бир мақсад ва тамойиллари бўлган. Турли хил ёндашувларнинг ҳосиласи сифатида ҳозирги кунда ҳорижий тилларни ўқитишда кенг тadbик этилаётган педогогик технологияларни кўрсатишимиз мумкин. Тил ўргатиш аудиториясида мазкур педтехнологиялардан қай усулда самарали фойдаланиш мумкин?

Аввало, **муҳокама** усулини ўрганиб, таҳлил қилсак: бу усул гуруҳ аъзолари ёки ўқитувчи ва талаба ўртасидаги маълум бир мавзунини муҳокама қилиш орқали эркин фикр алмашишдир. Бу усул муваффақиятли чиқиши учун ўқувчилар мавзу ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Мавзу муаммоли бўлиши ва унга ечим топиш учун барча гуруҳ аъзоларининг фикри инобатга олиниши муҳокама самарадорлигини оширади. Ҳар бир талаба ўз фикрини айтиши орқали нафақат нутқини ўстиради, балки аналитик таҳлил қилиш ва креативлик кўникмаларини ҳам ривожлантиради.

Фойдали ва самарали услублари:

- Муҳокама мавзусига тайёргалик учун етарли вақт берилишини таъминлаш;
- Мавзунини ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиш;
- Муҳокама учун етарли вақт берилиши ва талабалар ҳулоса қилишига вақтни белгилаш;
- Муҳокама мукаддимасида ўқитувчи мавзу ва ундан кўзланган мақсадни айтиши;
- Муҳокамани бошлашдан олдин мавзу ҳақида маълумот бериш;
- Муҳокама учун эркин муҳит яратиш;
- Ўқитувчи жараёнга барчани жалб қилиши ва руҳлантириши;

- Талабаларни ўзгалар фикрини тинглай билиш ва ўзиникини баҳолашга рағбатлантириш;
- Барча иштирокчилар фикр мулоҳазасини ҳурмат қилиш.

Кейингиси **ижро ёки ролларга бўлиб ўргатиш** усули бўлиб, иштирокчилар ўзларига берилган ролларни сахна кўринишлари орқали намоен этишади. Тил ўрганувчилар аудиториясида кенг қўлланиладиган бу усул ўзининг қизиқарли ва ижодий ёндашуви орқали талабаларнинг ҳам тил кўникмаларини, ҳам жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини ўстиради, хотирани мустаҳкамлайди.

Фойдали ва самарали услублари:

- ролларни тўғри тақсимлаш;
- сахна жараёнини жим туриб кузатиши ва камчиликларини қайд қилиб бориш;
- ижрочиларни тўхтатиб, хато ва камчиликларини кўрсатмаслиги;
- ижро сўнггида талабаларга ташаккур билдириб, сўнгга ўз мулоҳазасини билдириш;
- танқидий эмас, руҳлантирувчи сўзлар айтиш;
- хотима сифатида қўтилган натижа ҳақида тўхталиш.

Масалани ўрганиш усули дастлаб юридик ва бизнес соҳасида кенг қўлланилган бўлиб, бироқ бир муаммоли масаланинг ечимини топишга қаратилган. Методикада бу усул тил ўрганиш жараёнига тadbик этиш орқали талабанинг таҳлил қилиш, мулоҳаза қилиш ва муаммога ечим топиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу

орқали талабаларни реал ҳаётда дуч келадиган воқеа ҳодисаларга тўғри ёндашишига замин яратади. Талабага бироқ бир масаланини яхшилаб ўрганиш ва унга ечим топиш вазифаси топширилади. Гарчи бу усул кўп вақт талаб этсада, наижаси самарали бўлганиги билан аҳамиятлидир. Ўқитувчининг роли:

- талабанинг ишини синчиклаб ўқиб, унга ечим топишда қийинчилик туғдирган масаланинг туб моҳиятини етказиб бериш;
 - маълумот ва манбалардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиш;
 - таҳлил қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиш.
- Фойдали ва самарали услублари:
- берилган масала лўнда, муаммолари аниқ кўрсатилиб ёзилган бўлиш;
 - талабалар гуруҳ бўлиб ёзма равишда ҳисобот бериши ёки расмий презентация қилиш.

Ақлий ёки Заковат ҳужуми усули кўпинча дарснинг кириш қисмида талабаларни диққатини жамлаш, уларнинг мавзу бўйича тушунчага эга ёки йўқлигини текшириш юзасидан ва фикр йиғиш мақсадида қўлланилади. Бу усул аниқсиз муаммога ечим топиш, қарор қабул қилиш, креатив фикрлаш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиради.

Фойдали ва самарали услублари:

- талаба фикри баён этганида танқид қилмаслик ёки қарши фикр билдирмаслик; нотўғри бўлсада, қизиқишини сўндирмаслик учун фикрини қабул қилиш;
- ғояларнинг сифати эмас, балки сонига эътибор қаратиш;
- қатнашувчилар тенглигини таъминлаш;
- талабаларни қандай ва қай ҳолда рағбатлантиришни билиш;
- муҳокамани назорат остига олиб, масалани ёритишда ёрдам бериш;
- кичик гуруҳларда яхши натижа бериши.

Ёзма топшириқ усули эгалланган билимни тўғри шакллантиришни, фикрлани жамлаш ва ифода этиш, ёзма нутқни ўстиришда аҳамиятлидир. Яқка ҳолда ишлашга қаратилган бу усул ўрганиш ва ўргатишга ҳамоҳандир.

Фойдали ва самарали услублари:

- ўқитувчи ёзма топшириқ критерияларини тушунтириб бериш;
- намунавий ёзма топшириқлар ва шунга ўхшаш машқлар бажартириш;
- талабаларнинг қизиқиши ва билим даражасидан келиб чиқиб топшириқ бериш;
- баҳолаш критерияси ҳақида талабаларга тушунча бериш;
- талабаларга бир-бирларининг ёзма ишларини текширишини ташкиллаштириш ва ёзма равишда тақриз бериш;
- хатолар устида ишлаш учун махсус белгиларни қўллаш (Р =пунктиацион хато, WW=нотўғри сўз, WF= нотўғри тузилиш, С=бош ҳарф каби белгилар)

Мазкур услубларни қўллаш орқали талабанинг нафақат ёзма нутқи, балки аналитик таҳлил, креатив ёндашиш кўникмалари ҳам ривожланади.

Бу усуллардан ташқари ўз ўзини баҳолаш, жуфт бўлиб ишлаш, вазифага асосланган, мазмунга асосланган, жамоа бўлиб тил ўрганиш усуллари ўзларида барча тил кўникмаларини (тинглаб тушуниш, ўқиб ва ёзиш

кўникмалари, гапириш кўникмаларини) ривожлантиришга йўналтирилгандир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида номлари тилга олинган усуллар ўзларида бир қанча самарали ва замонавий педагогик технологияларни жамлаган бўлиб, бугунги кунда чет тилларини ўрганишга бўлган талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб шаклланган.

Улар тил ўрганиш аудиторияларида синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқитувчи ва талабаларга ўзларининг мослашувчанлиги, креатив ва аналитик фикрлаш имконини бериши, тил кўникмаларини ривожлантиришда беназирлиги билан муваффақият қозонган.

Бу усуллардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш ва тил ўрганиш- ҳам ўқитувчида, ҳам талабада мотивация уйғотиб, олға интилишга ва юксак чўққиларни эгаллашга қорлайди.

Адабиётлар

1. Brown D. Practice of English Language Teaching. Longman. 2004.
2. Gass S. Second Language Acquisition. Hillsdale, NJ. 1994.
3. Cook V. Second language learning.- New York: 1996.
4. Larsen-Freeman, D. An introduction to Second Language Acquisition Research. Longman. 1991.
5. www.myersbriggs.org

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бугунги кунда чет тилини ўрганишнинг самарали усуллари бўлмиш замонавий педтехнологиялардан фойдаланиш ва жараёнга татбиқ этиш йўллари таҳлил қилинган. Бу жараёнда ўқитувчининг ўрни ва қутилаётган натижалар ўрганиб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются современные педтехнологии и их эффективность в изучении иностранных языков. А также анализируется роль преподавателя, пути внедрения в практику этих педтехнологий и их результаты.

SUMMARY

The article deals with the effective ways of learning foreign languages using modern pedagogical teaching methods and technologies. A teacher's role in implementing these methods, manipulating the techniques and the language outcomes have been analyzed.

КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

Ш.С.Абдураимов - катта илмий ходим-изланувчи

Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: таълим сифати, интеграция, тармоқлараро амалий интеграция, синтез, мезон, кўрсаткич.

Ключевые слова: качество обучения, интеграция, межотраслевая практическая интеграция, синтез, критерий, показатель.

Key words: quality of education, integration, inter-industry practical integration, synthesis, criterion, characteristics.

Фанлар интеграциясини фақат предметлардан ўрганиладиган билимларнинг ўзаро боғланиши деб тушунмай, балки ўқитиш технологиялари методлари, шакллариининг ҳам интеграцияси сифатида қаралиши лозим.

Интеграция муаммосини ечиш таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Мазкур жараёни тўғри ташкил этиш ўқитиш самарадорлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда ахборотлар қўламининг ортиши, талабаларга бериладиган билимлар ҳажмининг кўпайиши ўқитиладиган фанлар микдорининг ортишига олиб келди. Бу, эса ўз навбатида, талабаларга психологик ва физиологик жиҳатдан оғирлик қилиб, уларнинг фанга бўлган қизиқишларини сусайтирмакда, билимларни ўзлаштириш даражасининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун ўқув фанларини интеграциялаш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш зарурати вужудга келди.

Интеграция туфайли талабалар билишлари зарур бўлган ахборотлар ҳажми маълум даражада қисқаради, талабалар зўриқишининг олди олинади ва вақт тежалди.

Дарсликлар таҳлили ва талабалар билими мониторинги натижаларидан маълум бўлмоқдаки, талабалар ўрганиладиган ўқув материалларининг қўлами кенг ва мураккаб; уларнинг батафсил баён этилиши талабаларни ортикча зўриқишга, кенг ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолишга ундайди, шу билан бирга замонавий фан асослари, техник ва ишлаб чиқариш технологиясидан орқада қолишга олиб келади.

Интеграция қуйидагича таркибга эга:

- объектга доир интеграция. Бунда бир объектнинг турли фанлардаги тиссоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга (ер, сув, ҳаво, озик-овқат ва бошқа) киритилади.

- тушунчага оид интеграция. Бунда умумий тушунча (энергия, ҳаракат, модда, ахборот ва бошқалар) лар мазмунини очиб берадиган мавзу ёки курслар қамраб олинади.

- назарияга оид интеграция. У физика, кимё, биологиядаги квант назарияси; биология, кимё, астрономия, техника, социологиядаги эволюцион назарияга асосланади;

- методологик интеграция. У фалсафа методологияси каби илмий билишнинг алоҳида методларига тааллуқли интеграция бўлиб, уларга тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ва унинг моҳияти, табиатшуносликка оид муаммоларнинг қўйилиши ва уларнинг ҳал этилиши; фандаги тушунтириш ва прогноз қилиш; кузатиш, тажриба, моделлаштиришнинг тузилиши моҳияти ва қўланилиши қабилир киритилади;

- муаммоли интеграция. У турли кенглик даражасидаги фанлараро муаммоларни қамраб олади (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш ва бошқалар);

- фаолиятга оид интеграция (мунозара, гуруҳлар таркибида ишлаш, фанлараро режа ва лойиҳалар тузиш ва бошқалар);

- амалий интеграция (турли жараён ёки техник маҳсулотларни ҳар томонлама кўриб чиқиш: антибиотиклар, синтетик моддалар, биотехнология компьютерлар ва бошқалар).

Кўпгина хорижий мамлакатлар таълими жараёнида интегратор курслардан самарали фойдаланилади. Масалан, Россияда «Атроф олам ва чет тили», Францияда «Иқтисодий ва ижтимоий фанлар», Германияда «Техника ва биологияда сузиш» каби интеграциялашган курслар ўқитилади. Шунингдек, Россияда адабиёт, тасвирий санъат, мусиқага оид интеграциялашган дастурлардан фойдаланилади. АҚШда эса фан. техника, ишлаб чиқариш ва маданиятнинг турли соҳаларини ўзида мужассамлаштирган дастурлар кенг татбиқ этилмоқда.

Интеграциялаб ўқитиш муаммосининг амалиётдаги ахволини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу соҳада (ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш бўйича) бир қанча ижобий ишлар қилинган бўлсада, ҳали янада кўп ишларни амалга ошириш зарур, чунки:

- олий таълим муассасалари учун интеграциялашган таълим концепцияси ишлаб чиқилмаган;

- ўқув предметларининг интеграциялашган мазмуни ва уни ўқитиш методикаси такомиллаштирилмаган;

- ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш методлари аниқланмаган;

- ўқитувчилар ўқув предмети мазмунини интеграциялашнинг таълимий имкониятларини аниқ тасаввур эта олмайди.

Интеграция муаммосининг дидактик жиҳатдан тадқиқ этилиши - уни таълим принциплари сифатида талқин этилиши- ни талаб этади.

Методик нуқтаи назардан олиб қараганда интеграция таълим - тарбия жараёнини такомиллаштирувчи ва қўзланган натижани қафолатловчи шарт -шароит ва усул деб тадқиқ этилишидир.

Интегратор ёндашув: илмийлик, касбий йўналганлик, политехнизм, узвийлик, мунтазамлик, тизимлилик, кўрсатмалилик, тушунарлилик, табақалаштириш каби дидактик принцип билан алоқадорлик ҳамда уйғунликда фаолият кўрсатади.